


I. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА БАНДЛИК

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2699,0 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 46 602 кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди. Шундан, 1743,1 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 64,6 фоизи) ва 955,9 минг киши – қишлоқ жойларида (35,4 фоизи) истиқомат қилади.

2018 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар майдони ва аҳоли зичлиги



Вилоятнинг ҳудудий майдони 7439 кв.км.ни ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 кв.км.га ўртача 362,8 киши тўғри келади. Аҳоли зичлиги юқорилиги бўйича шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Наманган шаҳарда 1 кв.км.га ўртача 4131 киши, Наманган туманида 1 кв.км.га ўртача 841,1 киши ва Тўрақўрғон туманида 1 кв.км.га ўртача 792,6 киши тўғри келмоқда.

Аҳоли зичлиги паст бўлган туманлар кесимида таҳлил қилиб кўрилганда, Поп тумнида 1 кв.км.га ўртача 72,6 киши, Мингбулоқ туманида 1 кв.км.га ўртача 162,8 киши ва Чуст туманида 1 кв.км.га ўртача 271,9 киши тўғри келмоқда.

Наманган вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	<i>Доимий аҳоли сони, минг киши</i>		
	<i>Жами</i>	<i>шу жумладан:</i>	
		<i>шаҳар</i>	<i>қишлоқ</i>
Вилоят бўйича:	2699,0	1743,1	955,9
шаҳарлар:			
Наманган	599,9	599,9	-
туманлар:			
Мингбулоқ	120,6	41,8	78,8
Косонсой	199,7	121,0	78,7
Наманган	170,9	50,7	120,2
Норин	157,4	72,4	85,0
Поп	211,3	121,4	89,9
Тўрақўрғон	216,2	123,2	93,0
Уйчи	203,4	99,3	104,1
Учкўрғон	165,2	70,9	94,3
Чортоқ	190,9	127,5	63,4
Чуст	254,9	170,9	84,0
Янгиқўрғон	208,7	144,2	64,5


Аҳолининг табиий ҳаракати

(январь-декабрь ойларида)

	Киши			ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	62164	61299	-865	23,7	22,9
Ўлганлар	12276	13230	954	4,7	4,9
Табиий ўсиш	49888	48069	-1819	19,0	18,0
Никоҳлар	22692	26336	3644	8,6	9,8
Ажралишлар	2123	2518	395	0,8	0,9

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффиценти

2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



¹⁾ дастлабки маълумот

Туғилиш даражаси. 2017 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 61299 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (62020 киши) нисбатан 721 тага камайди. Туғилиш коэффиценти мос равишда 22,9 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (23,7 промилле) нисбатан 0,8 промиллега камайди.


Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Наманган (25,0 дан 24,7 промиллега) ва Уйчи (24,3 дан 23,8 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-декабрида ўлганлар сони 13230 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (12142 киши) нисбатан 1088 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффиценти 4,9 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-декабрида – 4,7 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Поп (4,3 дан 5,0 промиллега), Тўрақўрғон (4,5 дан 4,9 промиллега), Учқўрғон (4,9 дан 5,5 промиллега), Чуст (4,2 дан 4,6 промиллега) ва Янгиқўрғон (4,6 дан 4,9 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 55,8 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 9,1 фоизи ўсимта касалликларидан, 6,3 фоиз бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатланишлардан, 6,1 фоиз ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 7,8 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 1,7 фоиз баъзи инфекцион ва паразитар касалликлардан, 13,2 фоизи бошқа касалликлардан вафот этганлар ҳисобига тўғри келди.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тuzилиши
(2018 йилнинг 1 январь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида жами ўлим сони 13230 тани ташкил этди. Улардан бир ёшга тўлмаганлар болалар ўлими сони 885 тани, яъни 6,9 фоизни ташкил этганлиги кузатилди.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-декабрида ФХДЁ органларида 26336 та никоҳлар ва 2518 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 9,8 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 8,6 та) ва 0,9 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,8 та) тўғри келади.

**2017 йилнинг январь–декабрь ойларида тузилган никоҳлар
ва никоҳдан ажралишлар сони**

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
Вилоят бўйича:	22692	26336	2136	2518
<i>шаҳарлар:</i>				
Наманган	4145	5658	491	578
<i>туманлар:</i>				
Мингбулоқ	1136	1087	85	90
Косонсой	1549	1897	184	200
Наманган	1857	1651	157	166
Норин	1303	1539	149	166
Поп	1835	1999	211	197
Тўрақўрғон	1940	2249	160	190
Уйчи	1877	2108	160	166
Учқўрғон	1375	1631	134	198

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й.	2016й.	2017й.
Чортоқ	1650	1861	114	140
Чуст	2270	2511	188	244
Янгиқўрғон	1755	2145	103	183

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4226 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 5693 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи манфий 1467 кишига (2016 йилнинг шу даврида - манфий 929 киши) тенг бўлди.


Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 101,0 фоизга кўпайиб, 1549,3 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57,4 фоизини ташкил қилди.


2017 йил январь-декабрь ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 28031 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Наманган шаҳрида (4412 кишига), Наманган (2894 кишига), Норин (2443 кишига), Учқўрғон (2415 кишига) ва Чуст (2414 кишига) туманларида кўп.

2017 йил январь-декабрь ойларида бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 26849 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Наманган (4355 киши) шаҳрида, Норин (2426 киши), Учқўрғон (2366 киши) ва Чуст (2250 киши) туманларида юқори даража қайд этди.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 3768 нафари ишсиз деб эътироф этилди.

Жами бандларнинг таркиби
(умумий хажмга нисбатан, фоизда)





нодавлат



давлат

2017 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодий фаол аҳоли сони 1081,8 минг кишини ёки аҳоли умумий сонининг 40,3 фоизини ташкил қилди.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь–декабрь ойларида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 1022,0 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 3,4 фоизга ошишига эришилди.